



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 25 май, № 101 (6536) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 24 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.



Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқбол, халқаро сиёсатга доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

Баҳо берди ва бу барча йўналишларда ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Томонлар 2015 — 2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид битим доирасида рақобатбардор ва хариддорлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш-

дан манфаатдор экани таъкидланди. Россия ташқи ишлар вазири самимий қабул ва ўзаро муносабатлар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имконияти учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. С. Лавров Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси хусусида

ўз фикрини билдирар экан, Ўзбекистоннинг ШХТга самарали раислиги Тошкент саммитининг муваффақиятли ўтишини таъминлашига ишонч билдирди. Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг бошқа истиқболли йўналишлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

ШХТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси

Тошкент шаҳрида 23-24 май кунлари Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисов, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван И, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслоев, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда ШХТ Бош қотиби Рашид Алимов ва ШХТ Минтақавий ақсил-террор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев иштирок этди.

ШХТга аъзо давлат мақоми олиш мақсадида Хиндистон Республикаси ва Покистон Ислон Республикасининг мажбуриятлари тўғрисида меморандум имзолаш масаласини Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этишга қарор қилинди.

Мулоқот бўйича шерик давлатлари билан имзоланиши таъкидланди. Ийгиликда ташкилот доирасида амалий ҳамкорлик қилиш учун кузатувчи давлатлар ҳамда мулоқот бўйича шериклари янада кенг жалб қилиш заруриги қайд этилди.

Вазирлар томонидан таъкидланганидек, ШХТ Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларга мувофиқ, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотикларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш, транс-чегаравий жиноятлар, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилган жиноятлар, ноқонуний миграция ва одам савдоси воситаларига қарши умумий курашиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2015 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ, Экстремизмга қарши кураш бўйича ШХТ Конвенциясини тайёрлаш ишларини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Ушбу ҳужжат терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича Шанхай конвенцияси ва ШХТга аъзо давлатларнинг 2016 — 2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури билан бирга ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ШХТга аъзо давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ШХТга аъзо давлатларнинг 2015 йилнинг 9-10 июль кунлари бўлиб ўтган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ақналари ижросини амалга ошириш жараёни юзасидан фикр алмашилди. Шу нукта назардан, ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ШХТнинг 2025 йилгача тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракат дастури қабул қилинишининг муҳимлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Тенглик, муқобиллик ва ошкоралик тамойиллари устувор

Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида давом этаётган фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловида юртдошларимизнинг фоллиги кўзга яққол ташланмоқда. Шунинг ўзиёқ маҳалланинг ҳаётимизда тулган ўрни ва нуфузи янада ошаётганидан ҳамда унинг ислохотлар жараёнидаги иштироки тобора кенгайиб бораётганидан, муҳими, аҳолида Ватан тақдирини дахлдорлик ҳисси юксалаётганидан далолатдир.

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Тошкент вилояти бўйича 1158 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 11 мингдан ортқ маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 697 нафар раис ҳамда уларнинг 7 минг 100 нафарга яқин маслаҳатчиси танлаб олинди.

— Эл-юрт ўртасида хурмат-этибор қозон-

ган, ташаббускор ва фаол номзодларнинг фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди, — дейди сайловни ўтказишга кўмаклашувчи Зангиота тумани комиссия раиси Саъдулла

Матёқубов. — Зеро, бундай инсонларнинг ушбу лавозимларда самарали фаолият кўрсатиши келгусида маҳалланинг фуқаролик ҳаётига институтлари тизимида тулган ўрнини мустаҳкамлайди, уларнинг юртимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштироки янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шу

боис туманимизда бўлиб ўтаётган сайлов жараёнида ҳам аҳоли фаоллиги кўрсатиши баробарида, ҳар жиҳатдан бошқаларга намуна бўла оладиган кишилар сайланиши таъминланмоқда. Бунда, шубҳасиз, ушбу тадбирга пухта ҳозирлик кўрилгани муҳим роль ўйнаётганлигини айтиш зарур. Яъни кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар учун барча шарт-шароит ҳамда қулайликлар яратилган бўлиб, бу айна чоғда ўз самарасини бераётир.

(Давоми 2-бетда).

Илм ва заковат калити

Зеро, унда таъкидланганидек, “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо билимнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур”. Айтиш лозимки, ушбу сўзлар барчага, айниқса, биз, ўзбек тили ҳамда адабиёти фани ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Фармонда умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда касбухона коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги, самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш вазифалари белгиланганилиги бу борадаги ишларимиз янада ривож топишида муҳим омил бўлади, деб ўйлайман. Шунингдек, мазкур ҳужжатга кўра, келгусида она тилимизнинг интернетдан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ҳамда лугатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш, бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш ишлари янада кенгайди.

(Давоми 2-бетда).

Юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар

нафақат халқимиз, балки хорижликлар дастурхонига ҳам файз бағишламоқда

Ўзбекистон — серкўёш, замини зар ўлка. Юртимиз тупроғига қадалган ҳар бир ниҳол, албатта, кўкка бўй чўзиб, ўз мевасини беради. Бозорларимиз йил давомида таъми тилни ёрувчи ширин-шакар нозу неъматларга сероб эканлиги, уларнинг довуғи етти иқлимга таралгани фикримиз тасдиғидир. Бу мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аграр секторда олиб борилаётган изчил ислохотлар, миришкор деҳқону фермерларимиз, боғбонларимизга яратиб берилаётган кенг шарт-шароитлар ва қилинаётган заҳматли меҳнат самараси ҳисобланади, албатта.

ИСЛОҲОТ

Президентимиз 2014 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида табиатимизнинг бетақдорлиги, она-заминимизда етиштирилаётган нозу неъматларнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “...Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг

уйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг минтақамизда етиштирилиши мумкин. Чиндан ҳам, бизнинг меваларимиздан татиб кўрган ҳар қандай одам, ўйлайманки, менинг фикримга қўшилиди. Барчамиз ҳам ўз юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларни хуш кўраемиз, албатта. Бироқ, дунёнинг ҳар бир гўшасида ҳам шундай қулай об-ҳаво, иқлим, туп-

роқ шароитлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу борада олимлар ҳозиргача аниқ таърифлаб бера олмайдиган кўпгина бошқа бир-бирига боғлиқ омиллар ҳам борки, уларнинг ҳар қайсиси ўзгача таъсирга эга. Бу маҳсулотлар фойдали микроэлементларга жуда бой ва қадимда Ибн Сино турли касалликларни даволаш учун айнан мева ва сабзавотлардан фойдаланган, чунки у замонларда кимёвий дори-дармонлар мавжуд бўлмаган, бе-

морлар табиий воситалар ёрдамида даволанган. Бу эса энг аввало сабзавот, мева, турли гиёҳ ва ўсимликлардир. Бугунги кунда ҳам қишлоқларимиздаги халқ табиблари бундай воситалардан қандай фойдаланиш, баъзи бир хасталикларни қай усулда даволашни яхши биладилар. Мен сизларни бизнинг мева-сабзавотларимизни татиб кўришга таклиф қилар эканман, авваламбор, уларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутаман”.

Дарҳақиқат, айнан уша нуфузли анжуманга таширф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Сильва, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якоб ва бошқа нуфузли меҳмонлар жойларда бўлиб, сархил ме-

валаримиздан татиб, бозорларимиздаги файз баракани ўз кўзлари билан кўргач, бунга тўла ишонч ҳосил қилишган, ҳайрат ҳамда ҳавасларини изҳор этишган эди. Бу, шубҳасиз, ҳар биримизни чеқсиз гурурлантиради.

Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар эса жадал давом эттирилмоқда. Хусусан, бу борада ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, жорий йилнинг биринчи чорагида пахта майдонлари 30,5 минг гектар қисқартирилди. Пахтадан бўшган ерлар ҳисобга олинган ҳолда, асосий экин майдонларига — 172,6 минг гектарга сабзавот, 86,3 минг гектарга картошка ва 26,3 минг гектарга полиз экинлари экилди. 5,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар барпо этилди, 5,7 минг гектар майдондаги боғ ва 3,2 минг гектар тоқзор реконструкция қилинди, 163 гектар майдонда 4264 иссиқхона ташкил этилди. Бунинг самараси ўлароқ, шу давр ичида 53,1 минг тонна сабзавот етиштирилди, 95,1 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди.

(Давоми 4-бетда).

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

"Moody's" халқаро рейтинг агентлиги "Deutsche Bank" (Германия)нинг узоқ муддатли депозит рейтингини "A2" даражадан "A3" даражага пасайтирганини маълум қилди.

Рейтингни пасайтирди



Бундан ташқари, агентлик ушбу молия муассасасининг таъминланмаган қарзларга доир, кредит қобилиятининг таянч базасига оид рейтингларини ҳам туширди.

Тахлилчилар ушбу ҳолат "Deutsche Bank"нинг 2020 йилгача бўлган стратегик режасини амалга ошириш секинлашгани билан боғлиқлигини айтишмоқда. Шунга қарамай, "қўхна қитъа"нинг мазкур энг йирик тижорат банкларидан бири жорий йилнинг биринчи чорагини соф фойда билан якунлади.

64 йил ичида илк бор

Ўтган йили дунё миқёсида аниқланган нефть захиралари ҳажми 12,1 миллиард баррелни ташкил этган.



Бу 1952 йилдан бери кузатишган энг минимал кўрсаткичдир, дейилади "Rystad Energy" консалтинг компанияси ҳабариди.

2014 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб "қора олтин" нархининг мунтазам пасайиши туфайли дунёдаги йирик углеводород соноати компаниялари янги захираларни қидириб топиш учун ажратадиган маблағларини камайтиргани бунда асосий омил бўлган. Хусусан, ўтган йили мазкур жабҳага 95 миллиард АҚШ доллари йўналтирилган. Ваҳоланки, 2014 йили янги захираларни аниқлашга 168 миллиард АҚШ доллари сарфланган эди.

Нархларни туширмоқчи

"Apple" компанияси раҳбари Тим Кук "iPhone" русумидаги мобиль алоқа воситаларини АҚШдан ташқарида қиммат нархларда сотишга мажбур бўлишга тггани, бу эса компания даромадларини оширишга қисман тўсқинлик қилаётганини билдирди.

— Муаммо шундаки, биз айрим давлатларда боғжона тўловлари анча юқорилиги боис маҳсулотларимиз баҳосини кўтарганмиз, — деди у Ҳиндистоннинг "NDTV" телеканалига берган интервьюсида. — Эндиликда уни мақбул даражага келтириш устида ишляяпмиз. Бу жараён маҳсулот сифатига

умуман таъсир кўрсатмайди. Айни пайтда "Apple"нинг мобиль алоқа воситаларига қўйилган энг баланд нарх Бразилияга тегишли бўлиб, мисол учун, бу ерда "iPhone 6"нинг янгисини 931 АҚШ долларига сотиб олиш мумкин. АҚШнинг ўзида эса у 598 доллар туради.

Чорвачилиқда

синаб кўриляпти

Сидней университети олимлари чорвадор фермерлар учун ажойиб кўмақдош бўла оладиган роботлар устида олиб борилётган синовнинг биринчи босқичини якунлашди.



Маъруза кўрсатиш муассасаси профессори Салоҳ Суккареҳ бошчилигида яратилган, термодатчик ва видео-сенсорлар билан жиҳозланган ушбу чорвадор-робот Австралиянинг Жануби-Шарқда жойлашган Янги Жанубий Уэльс штатида синовдан муваффақиятли ўтказилган. У бир пайтнинг ўзида яйловда юрган қорамолларни назорат қилиш, ҳавф туғилганда маҳсул синаллар ёрдамида одамларни оғохлантириш, жониворлар тарқалиб кетишининг олдини олиш сингари вазибаларни бажаради.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИНТИЛИШ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги маъқеини мустақамлаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги Фармони бу жабҳадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Бугун аёлларимиз корхона раҳбари, ўқитувчи, шифокор, депутат, тadbиркор, хунарманд... Эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор қозонаётир. Давлатимизнинг юксак орден ҳамда медаллари билан тақдирланаяпти.

Юртбошимиз ўзининг ҳар бир маърузасида хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром билдириб, уларнинг оилани тебратиш, турмушимизни янада обод ҳамда фаровон қилишдаги хизматларини эътироф этади. Мунис аёлларимизнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб умргузаронлик қилишларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Бинобарин, опа-сингилларимизнинг кўллаб-қувватлаш, улар учун маиший хизмат шохобчаларини кўпайтириш борасида куйинчаклик билан сўз юратади.

Ташаббускор аёллар

давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда

Биз вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда шу йўналишда қатор ишларни амалга оширяпмиз. Чунончи, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш, улар учун маиший хизмат шохобчаларини кўпайтириш борасида куйинчаклик билан сўз юратади.

қизга зарур билим, тавсия ҳамда кўникмалар берилди. 59 нафарига тикувчилик, пазандалик, сартарошлик, зардўзлик, кулоллик сир-синаотлари ўргатилди. Бугунги кунда мазкур инкубатор бутун вилоятни қамраб олди. Жондор, Ромитан, Фижудовон, Шофир-

хотин-қиз халқаро андозалар даражасида тикувчилик касбини ўрганди. 45 нафар тadbиркор опа-сингилларимиз эса Буюк Британиядан таклиф этилган мутахассислар томонидан ташкил қилинган ўқув-семинарларда малака оширди. 2014 йилнинг кузидан иш

41,3 миллиард сўм миқдориди кредитлар ажратилган эди. Ўтган йилда эса бу кўрсаткич 54 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этди. Нигора Ражабова, Умрия Исмоилова, Мамлакат Тошева, Зебинисо Остонова сингари ташаббускор аёлларимиз янгидан-янги иш ўринлари яратиб, кўпчилиқка ўрнак бўлишяпти. Қирқ нафардан зиёд опа-сингилларимиз чет элларда ўтказилган нуфузли кўргазмаларда қатнашди.

Кузатишлар шуни кўрсата-яптики, агар аёл тadbиркор бўлса, хонадони файзига файз қўшилади. Оила деган муқаддас даргоҳ пойдевори мустақамланади. Ўзига тинч хонадонлар кўпаяди. Давлатимиз эътибори ва ғамхўрлиги огушида бўлган хотин-қизларимиз буни чуқур ҳис қилишяпти. Улар ўз меҳнатлари, бой билан ҳамда кўникмалари билан жамият равнақига ҳисса қўшадилар, албатта. Бу эзгу мақсад йўлида биз улardan кўмагимизни аямаямиз.

Дилбар АХМЕДОВА, "Тadbиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Бухоро вилояти бўлими раиси.

ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосига акциядорлик тижорат Халқ банки Юнусобод филиалининг 2016 йил 19 майдаги 09/163-сонли буюртманомасига асосан, акциядорлик тижорат Халқ банки тасарруфидида, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 1-уйда жойлашган, 2 қаватли бинонинг 1-қавати, умумий майдони 56 кв.м.дан иборат бўлган Юнусобод филиали шохобчаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 200 229 000 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 27 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулк 2016 йил 27 июнь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2016 йил 4, 11, 18, 25 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universallbank» Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин тўхтатилади. Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатлат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (0-371) 233-09-38. «Realtor garant business» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 6 майдаги 88 (6523)-сонидида чоп этилган эълондаги «Бошланғич баҳоси — 2 008 784 000 сўм» жумласи бундан кейин «Бошланғич баҳоси — 2 700 000 000 сўм», деб ўқилсин. Асос: АТ Халқ банки Юнусобод филиалининг 2016 йил 19 майдаги 09/164-сонли хати. Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади. «Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 29 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган аукцион савдосига Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 5 ноябрдаги 15-1309/18140-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Ғалаба» ҚФЙ, Пахтакор қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 966,28 кв.м., фойдаланиш майдони 216,03 кв.м. бўлган, 0001 — 0003-литерлардаги 8-участка, 1-бригада дала шийпони кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 8 101 646 сўм. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 27 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади. 2016 йил 15 июнь куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига кўйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран кўйилмоқда: 1. Фарғона тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 11 январдаги 15-1509/24439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона тумани, «Аввал» МФЙда жойлашган, ер майдони 4872,52 кв.м., қурилиш ости майдони 1846,55 кв.м., фойдаланиш майдони 660,45 кв.м. бўлган, 0001 — 0011-литерлардаги маъмурий бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм. 2. Тошлоқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 20 апрелдаги 15-1508/3850-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, «Тошлоқ» ШФЙ, Фурқат номидаги МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 863 кв.м., фойдаланиш майдони 352,35 кв.м. бўлган, 0001 — 0005-литерлардаги ишлаб чиқариш цехи. Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 13 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59. Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 октябрдаги 13-1202/1585-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зайтун кўчасида жойлашган, «Зарбдор элеватор» АЖга тегишли, 3-5-7-уй-жой бинолари кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 742 939 372 сўм. Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 октябрдаги 13-1202/1585-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси, 2-айлақда жойлашган, «Зарбдор элеватор» АЖга тегишли 41-уй-жой биноси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 672 027 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 27 июнь куни соат 18.00. Аукцион савдосига кўйилган кўчмас мулклар билан Зарбдор тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотек-банк» Жиззах вилояти филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (0-372) 222-34-16. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосига Бухоро вилояти суд ижрочилари Олот тумани бўлимининг 2016 йил 7 майдаги 2-сонли буюртма хатига асосан, «Асртекс» МЧЖга тегишли бўлган 35 турдаги мол-мулклар такроран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 352 756 882 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 10 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мазкур мол-мулклар 2016 йил 10 июндаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 27 июнь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Бухоро вилояти Давлат рақобат бошқармаси биносидида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланғичига 1 кун қолганда тўхтатилади. Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга кўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: — юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза; — савдо ташкилотчисининг АТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 2020800004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси; — талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси. Телефон: (0-365) 221-51-62. Хизматлар лицензияланган.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Маҳалланинг чевар қизлари

Фарғона

Кўкон шахрининг "Ёркўрган" маҳалла фуқаролар йиғини худудида фаолият бошлаган янги дўконда ҳудуд чеварлари томонидан тайيارланган либослар савдоси йўлга қўйилди.

Ва Нафиса Бекмуродова-лар бўлди. — Ҳозирча ўз хонадонимизда ташкил этилган оилавий корхонамизда тикув машиналари ўрнатиб, маҳалламиз ёшлари учун ўнга яқин иш ўрни яратдик, — дейди Ш. Бекмуродова.

Набижон СОБИРОВ.

Дарё соҳилида шифо маскани

Сурхондарё

Термиз туманидаги "Сурхон" шифо маскани дарё соҳилида жойлашган. Бу эса мазкур муассасадда даволанаётган беморларга гўзал табиат кўйида ҳордиқ олиш учун ҳам қулай имконият яратаётди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёш ватанпарварлар беллашуви

Андижон

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда "Қамолот" ЁИҲ ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Шункорлар" мусобақаси катта аҳамият касб этмоқда.

Бон", Жалакудук туманининг "Қоплон", Андижон шаҳри ҳамда Андижон туманининг "Қалқон" жамоалари ўзaro беллашди. Иштирокчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва кўникмалари синондан ўтказилди.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истироҳат боғининг мафтункор қиёфаси

Бухоро

Қорақул тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғи замонавий қиёфа касб этди. Зеро, ёз фасли ўта иссиқ ҳамда қуруқ келадиган воҳада довдаҳлатларга бурканган, салқин гўшалар кўп бўлганга нима етсин?!

— Боғни қайта таъмирлаш юмушларига мазкур маскан ҳамда хомий ташкилотларнинг 180 миллион сўмлик маблағи сарфланди, — дейди туман маданият ва спорт бўлими бошлиғи Рустам Каттаев.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бундан беш йил аввал 5 гектар майдонда дастлабки интенсив боғимизни яратган эдик, — дейди Янгиқўрган туманидаги "Низомиддин Хусн Жамол" фермер хўжалиги раҳбари Хусниддин Тўраҳужаев.

Қишлоқ мулкдори 2014 йилда иккинчи интенсив боғни бунёд этиб, яна беш гектар майдонга пакана навли олма ва гилоснинг уч минг туپини жойлаштирди.

Хўжалигимиз кўп тармоқли, галла ва сабзавот ҳам етиштирамиз, — дея сўзини давом эттиради фермер. — Унинг маълум қисмини бозорда сотсақ, қолганини қайта ишлаш корхонасига топширамиз.

мўлжаллаб юргандик. Бу ниятимиз амалга ошиши, шубҳасиз. Негаки, Президентимиз қарори асосида ҳокимликларнинг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича бошқарма ва бўлимлари зиммасига деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари томонидан етиштириладиган мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум ҳажмини аниқлаш, улар томонидан тўзилган шартномалар бажарилишини мониторинг

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда "Ўзтадбиркорэкспорт" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ишлаб чиқилган "UZTrade" электрон ташқи савдо майдони эса Хусниддин Тўраҳужаев сингари муришкорларга хориж бозорларига янада фаол кириб бориш учун кўшимча имкониятлар яратади.

Ташқи ҳаракатлар натижасидир. Бундан ташқари, "Ўзтадбиркорэкспорт" акциядорлик жамияти ташаббуси билан чет эл мамлакатларида ташкил қилинган етиштириш "Савдо уйи" орқали бир йил мобайнида тадбиркорларимизга 1,5 миллиард АҚШ долларидек хизматлар кўрсатилган бўлса, айни пайтда ишлаб чиқарувчилари миз дунёнинг 30 дан орტიқ давлатларига 100 дан зиёд турда-

учун ҳам саховатли заминимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар юқори нуфузли бренгда — товар белгисига айланмоқда. Бугун бу маҳсулотларни сотиб олишчи мамлакатларда улар юксак рақобатдошлиги билан ажралиб туради.

Айни пишиқчилик бошланган шу кунларда бозорларимизга тушган киши мева-сабзавотларининг нақақар бой, хилма-хил эканига гувоҳ бўлади. Улардан

Юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар

нафақат халқимиз, балки хорижликлар дастурхонига ҳам файз бағишламоқда

қилиш вазифалари юклатилди. Шу боис жорий йилда олманг ўзидан 45 тонна ҳосил кўтариб, унинг 40 тоннасини экспортга чиқаришни режалаштираяпмиз. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, шу орқали хўжалигимиз 150 минг АҚШ долларидан кўпроқ даромадга эга бўлади.

Қолаверса, бизнес-режамизга мувофиқ, бу йил боғдорчиликдан 300 миллион сўмдан орტიқ даромад олишни мўлжаллаяпмиз. Унинг 70 миллион сўмдан зиёдини соф фойда ташкил этади. Бу маблаг эса ишчи-ҳодимларни рағбатлантириш, интенсив боғлар парваришини изчил олиб боришга сарфланади.

Этиборлики, хўжалиқда ана шундай истиқболли лойиҳалар босқичма-босқич рўйбга чиқарилаётган. Масалан, бу ерда яқин вақт ичида йилга 600 — 700 тонна мевани илгўр технология асосида қуритиш цехи ишга туширилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қатори қишлоқ хўжалигида ҳам улкан ўзгаришлар кузатилиб, экинлардан олинаётган ҳосилдорлик миқдори тавор ортиб бораётгани диққатга сазовордир.



янги дастурдан фойдаланиш жуда оддий ва самарали. Мисол учун, электрон савдо майдонига ҳар бир фермер ёки тадбиркор ўз манзилни жойлаштириш орқали маҳсулотларини кенг омма этибборишга ҳавола қилиши мумкин. Шунингдек, мутахассислар унинг дунёнинг турли давлатлари ишбилармонларига, йирик савдо марказларига тақдим этади.

Ўзбекистон қадимдан ўзининг ўрик, шафтоли, олхўри, нок, гилос, анжир, анор, беҳи, узум, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқпиёз ва бошқа кўплаб мева-сабзавотлари, бекиёс мазага эга ҳамда хушбўй ҳидли қовунлари билан маълуми машҳур. Шунинг

татиб кўрганлар деҳқонларимиз меҳнатига тасанно айтиб, шундай жаннатманд, тинч ва осойишта юрдага фаровон ҳаёт кечираётганликларидан яна бир қарра фахр ҳиссини туйишлари аниқ. Ўзбекистонимиз билан ҳамкорликни мустақамлашга интилиб, ноз-неъматларимизга харидор бўлаётган давлатлар эса дунёдаги энг тотли мевалар, энг сифатли сабзавотлар айнан бизда етиштирилишига тўла ишонч ҳосил қилишлари ҳам турган гап.

Дилшод УЛУҒМУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий инфратузилма, янги йўналишлар

сайёҳлик соҳасининг жадал ривожини таъминлайди

ИЗЛАНИШ

Ҳозирги кунда туризмдан келадиغان даромад халқаро иқтисодий рейтингда автомобиль ва нефть-газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Ушбу тармоқда дунё бўйича 200 миллион нафардан зиёд киши меҳнат қилаётди.



Бугун Қашқадарё вилоятидан ҳам маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳлар қадими узилмайди. Негаки, воҳадаги 1164 та маданий мерос объекти, хусусан, 917 та археология, 173 та архитектура ёдгорлиги, диққатга сазовор 20 та манзил довури аллақачон тилга тушиб улгурган. Бинобарин, ҳайкалтарошликка оид 54 та монумент санъатсевар инсонларни мафтун этапти.



қадарё вилояти бўйича вакили Уктам Ҳўжаев. — Муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар қайта чиқиб ойнапти. Экотуризм равнақ топоқда. Келгусида бу жабҳадаги сайёҳ-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида ёдгорликлар ҳамда диққатга сазовор манзиллар бўйлаб янги йўналишлар ишлаб чиқиш, туристик хизматлар сифатини янада ошириш режалаштириляпти.

ўз ичига олган мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш учун 56,8 миллиард сўм маблаг ажратилиши белги-ланган. Бунинг ҳисобидан маданий мерос объектлари консервация ва реставрация қилиниб, улар ён-атрофи ободонлаштирилади.

Сайёҳлар учун кўнгилочар тадбирлар ўтказиш, меҳмонхоналар, замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш каби чора-тадбирлар олиб борилади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда 27 та сайёҳлик ташкилоти чет эллик меҳмонлар хизматида. Улар

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪЛИМ

Навоий вилоятининг Нурата туманида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.

Санъат мактабид а иждодий учрашув

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда санъатга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, давлат Инвестиция дастурига кўра, республика бўйича кейинги йилларда 6 та ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида реконструкция ишлари бажарилди.

Тадбир доирасидаги "Баркамол авлод — келажак пойдевори" деб номланган кўрғазма иштирокчиларда катта таассурот қилдири.

Моҳира АДIZОВА.

ЭЪЛОН

Advertisement for the Tennis School (РОЗТМ) of the Republic of Uzbekistan. It mentions the school was founded in 2005, is a member of the ITF, and offers training for children and adults. Contact information includes phone numbers and website addresses.

Advertisement for the Uzbekistan Republic Oliy Majlis Commission for the Fight Against Corruption. It lists the commission's mission and contact details.

Advertisement for Bozirmuxarrip Utkir RAHMATOV. It provides information about his services, contact numbers, and a QR code.

Advertisement for 'Sharq' Investment-Matbaa Aktsiyadorlik kompaniyasi. It describes the company's activities and provides contact information.

Advertisement for Manzilimiz: 100000. It lists the address and contact details for the company.